

I. ЯЛПИ ХУДУДИЙ МАҲСУЛОТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йил январь-сентябрда Бухоро вилоятининг ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулот (кейинги ўринларда ЯҲМ) нинг ҳажми 19120,3 млрд. сўмни ташкил этди ва 2018 йилнинг январь-сентябрга нисбатан ўсиш суръати 104,3 фоизга тенг бўлди. ЯҲМ дефлятор индекси 2018 йилнинг январь - сентябрдаги нархларга нисбатан 121,6 фоизни ташкил этди.


Январь-сентябрь ойларида иқтисодий фаолият турлари ЯҲМ ишлаб чиқариш

	<i>млрд. сўм</i>		<i>2018 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
	<i>2018 йил</i>	<i>2019 йил</i>	
I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами	15068,4	19120,3	104,3
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	14087,2	17509,4	104,1
Маҳсулотларга соф солиқлар	981,2	1610,9	108,0
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	14087,2	17509,4	104,1
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	7190,3	7734,6	100,3
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	2991,5	4807,3	110,5
саноат	1795,8	3322,5	105,9
қурилиш	1195,7	1484,8	117,5
Хизматлар	3905,4	4967,5	106,2
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1065,1	1257,6	103,7
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	951,6	1072,1	106,3
бошқа хизматлари	1888,7	2637,8	107,5

Ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) – миллий ҳисоблар тизимининг асосий кўрсаткичи бўлиб, муайян даврда минтақанинг иқтисодий ҳудудида жойлашган резидент – институционал бирликлар ишлаб чиқариши фаолиятининг якуний натижасини ифодалайди. ЯҲМ ишлаб чиқариши усулида, иқтисодий фаолият турлари бўйича ялпи қўшилган қиймат ҳажми ва маҳсулотларга соф солиқлар йиғиндиси орқали ҳисобланади.

Ҳудуд иқтисодиётининг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ўсиш суръати 100,3 фоиз (ЯҲМ таркибидаги улуши – 44,2 фоиз), саноат – 105,9 фоиз (19,0 фоиз), қурилиш – 117,5 фоиз (8,5 фоиз), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 103,7 фоиз (7,2 фоиз), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 106,3 фоиз (6,1 фоиз) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 107,5 фоиз (15,0 фоиз) ни ташкил этди.

ЯҲМ нинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари, фоизда
(2019 йил январь-сентябрь ойларида)




Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулотининг ўсиш суръатига асосий таъсири, хизматлар (106,2 фоиз), саноат (қурилишни қўшган ҳолда)

(110,5 фоиз) ва кишлок, ўрмон ва балиқ хўжалиги
ялпи қўшилган қиймат ҳиссасига тўғри келмоқда.


(100,3 фоиз) тармоқларидаги

Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар таркиби. (фоизда)

2018 йил январь-сентябрь



2019 йил январь-сентябрь




- Маҳсулотларга соф солиқлар
- Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Саноат (қурилишни қўшган холда)
- Хизматлар

ЯХМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 74,9 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди ва бу кўрсаткич 2018 йил январь-сентябрь ойларида 81,5 фоизни ташкил қилган.

Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби (жамига нисбатан фоизда)

2018 йил январь-сентябрь

2019 йил январь-сентябрь



- савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар
- ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа
- хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар

2019 йил январь – сентябрда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида хизматлар улуши 28,3 фоиз (2018 йил январь - сентябрда 27,8 фоиз) ни ташкил қилди.

Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ЯҲМ таркибидаги улуши 7,2 фоизни (2018 йил январь - сентябрда 7,6 фоиз), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари – 6,1 фоизни (6,8 фоиз), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 15,0 фоизни (13,4 фоиз) ташкил этди.

Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 10034,8 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 102,7 фоизга юқоридир.